

Ер силкиниши ва сурилиши, сув тошқини, сел ҳодисалари ва уларга қарши чора-тадбирлар.

Режа:

- 1. Зил-зила ундан ҳимояланиш тадбирлари.**
- 2. Сув тошқини, кучли шамоллар, қурғокчилик ва сел ҳодисаси оғатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва улардан ҳимояланиш тадбирлари.**

ЗИЛЗИЛА – БУ ЕРНИНГ ИЧКИ ҲАРАКАТЛАРИ НАТИЖАСИДА УНИНГ ЮЗАСИДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН ТЕБРАНИШ НАТИЖАСИДА СОДИР БЎЛАДИГАН ЕР СИЛКИНИШЛАРИДИР.

ЕР СИЛКИНИШЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛГАН ЖОЙИ **ЗИЛЗИЛА ЎЧОҒИ**, УНИНГ МАРКАЗИ ЭСА **ГИПОЦЕНТР** ДЕЙИЛАДИ. ГИПОЦЕНТРНИНГ ЕР ЮЗИДАГИ ПРОЕКЦИЯСИ **ЭПИЦЕНТР** ДЕЙИЛАДИ. ГИПОЦЕНТР ВА ЭПИЦЕНТР ОРАЛИГИДАГИ МАСОФА **ЗИЛЗИЛАНИНГ ЧУҚУРЛИГИ** ДЕЙИЛАДИ.

ЕРНИНГ ЭНГ УСТКИ ҚАТЛАМИ УНИНГ ҚОБИГИ ДЕЙИЛАДИ. ЕР ҚОБИГИНИНГ ЧУҚУРЛИГИ ҚУРУҚЛИКЛАРДА АСОСАН 30-50 КМ НИ ТАШКИЛ ЭТИБ, БАЪЗИ ЖОЙЛАРДА 70 КМ ГАЧА БОРАДИ, ОКЕАНЛАРДА ЭСА 6-8КМ ГА БОРАДИ. КЕЙИНГИ ҚАТЛАМ МАНТИЯ БЎЛИБ, У 2900 КМ ГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ. СҮНГГИ ҚАТЛАМ 2900 КМ ДАН ТО ЕРНИНГ МАРКАЗИГАЧА ДАВОМ ЭТИБ У ЯДРО ҚАТЛАМИДИР.

Сейсмик хавфсизлик. Сейсмик хавф-хатарлик.

Кучли зилзилалар натижасида ишоотларнинг шикастланиш даражаси зилзила кучига, эпицентргача бўлган масофага, зилзила ўчоғининг чуқурлигига, жойларнинг инженер-геологик шароитига, бино ва ишоотларнинг турига, йил фаслларига, метеорологик шароитга ва бошқаларга боғлик. Курбонлар сони эса одамларнинг зилзилага тайёргарлик даражасига, коммунал тармоқ ларнинг автоматик тарзда тезда ўчирилишига боғлик.

Зилзила ўчоғигача бўлган масофа ортган сари у шунчалик узок вакт ва пастрок частотада сезилади. Масалан, Тошкентда яшовчилар учун зилзила ўчоғи Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Жиззах, Самарқанд вилоятларида рўй берган бўлса 10-30 секундгача давом этиши мумкин. Биздан 500-600 км масофада жойлашган Хиндукуш зилзилалари 2-3 минутгача сезилади.

ЗИЛЗИЛА КУЧИНИНГ БАЛЛАРДАГИ ТАЪСИРИ

1-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	СЕЗИЛМАЙДИГАН	- Зилзилани фақат сейсмографлар ёрдамида ёзиб олиш мумкин.
2-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	ЗЎРҒА СЕЗИЛУВЧИ	- Зилзилани бино ичида тинч ўтирган, айниқса юқори қаватларда бўлган айrim одамларгина сезади.
3-БАЛЛ. КУЧСИЗ ЗИЛЗИЛА		- Зилзила синчиклаб кузатилганда осиб қўйилган нарсаларнинг енгил тебранаётганлиги, юқори қаватларда бу тебраниш кучлироқ сезилади.
4-БАЛЛ. СЕЗИЛАРЛИ ЗИЛЗИЛА		- Зилзила вақтида уй деразалари, эшиклари, идишлар зириллайди. Пол ва ёғоч уй деворлари ғичирлайди. Очиқ идишлардаги суюқликлар чайқалади.
5-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	СЕЗИЛАРЛИ КУЧЛИ	- Зилзила таъсирида ухлаётган одамлар уйғониб кетади. Ҳайвонлар нотинчланади. Бинолар тўла ҳаракатга келади. Осиғлик буюмлар кучли тебранади.
6-БАЛЛ. КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА		- Зилзила айrim кишиларни мувозанатдан чиқаради. Уй ҳайвонлари саросимага тушади. Баъзи уйларда шишадан ясалган идиш ва буюмлар синиши, жавондаги китоблар тушиб кетиши кузатилади.
7-БАЛЛ. ЖУДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА		- Зилзила оқибатида аксарият одамлар мувозанатни йўқотади. Автомашинани бошқараётганлар ҳам зилзилани сезишади. Айrim биноларда бузилиш ҳолати юзага келади.
8-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	БИНОЛАРНИ КУЧЛИ ЗАРАРЛАНИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ	- Зилзила натижасида баъзи жойларда дарахт шохлари синади, Оғир мебеллар сурлади, осиғлик лампалар шикастланади, қабристонларга ўрнатилган ёдгорлик тошлари қулайди.
9-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	БИНОЛАРНИ БУТУНЛАЙ ШИКАСТЛАНИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ	- Зилзиладан аҳоли қаттиқ саросимага тушади. Ҳайвонлар кучли овоз чиқариб, бетартиб югуришади. Айrim ҳолларда темир йўл рельсларининг букилиши, йўлларнинг заарланиши рўй беради.
10-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	ИНШООТЛАРНИНГ БУТУНЛАЙ БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ	- Зилзила оқибатида бинолар бузилади, темир йўл рельслари енгил букилади, ер ости қувурлари узилади. Ерда кенглиги бир неча дециметрга тенг ёриқлар ҳосил бўлади.
11-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	ТАЛОФОТЛИ	- Зилзила оқибатида пухта қурилган иншоотлар, кўприклар, темир йўллар жиддий шикастланади. Ерда кенг ёриқлар, узилишлар, горизонтал ва вертикал сурилишлар, кўплаб тонг кўчкилари кузатилади.
12-БАЛЛ. ЗИЛЗИЛА	ЕР РЕЛЬЕФИННИГ ЎЗГАРИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ	- Зилзила туфайли ер остидаги ва устидаги барча иншоотларнинг тўла шикастланиши ёки бузилиши кузатилади. Ерда катта ёриқлар вужудга келади, ер рельефидаги шиддатли ўзгариш кузатилади.





Кучли ер силкиниши вактида Зилзила рўй берганда, ернинг юза қисми унча узок бўлмаган вакт тебраниб туради. Ер силкиниши даври – силкиниш ер қатламининг юзасида ва яқин масофада бўлса, бир неча сония, чуқуррокда бўлса, 2-3 дақиқагача давом етиши мумкин, бу тебранишлар инсонга ноқулайлик туғдириб, саросимага туширади. Лекин ер силкинишининг тўхташини кутишдан бошқа чора йўқ. Шунинг учун ваҳимага тушмасликка ҳаракат қилинг, осойишталик ва хотиржамликни сақлаш жуда муҳим. Ер қимирлаётганда хотиржамлик ва ақл билан иш кўрсангиз талофатсиз чиқишингизга кўпроқ имконият бўлади. Бундан ташқари атрофингиздаги одамлар сиздан ўrnak олишади ва бу улар учун ниҳоятда фойдали.

Зилзила окибатларини камайтириш тадбирлари

1. Худудларни юзага келиши мүмкін бўлган ер силкиниши ва унинг кучи кўрсатилган ҳолда сейсмологик жиҳатдан зоналаш.
2. Сейсмологик жиҳатдан чидамли бўлган уй-жой ва ишлаб чикариш биноларини қуриш.
3. Аҳолига зилзила пайтида ўзини тутиш, қандай ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатиш.
4. Сейсмостанцияларда суткалик навбатчиликни ташкил килиш.
5. Зилзила пайтида аниқ ҳаракат қилиб хабар бера оладиган алоқа ва хабар бериш тизимини яратиш.
6. Кутқарув ишларини олиб бориш учун куч ва воситаларни тайёрлаш.
7. Аҳолини уз вактида хавфсиз жойларга кўчириш тадбирларини ишлаб чикиш.
8. Материал-техника таъминоти заҳираларини яратиш (палаткалар, озиқ-овқатлар, тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар, кийим-кечак ва бошқалар).
9. Аҳолини зилзиладан аввал юзага келадиган аломатларни билишлари.

КҮЧКИЛАР. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР, КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Күчки - табиий тусдаги фавқулодда вазият турларидан бири бўлиб, уни ўрганиш, баҳолаш, башорат қилиш ва ундан аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш мамлакат иқтисодини кўтаришда муҳим ҳисобланади. Денгиз, кўл, сойлар ва тоғ ён бағирларида жойлашган бўш тоғ жинслари устки қисмининг ер устки ва остки сувлари ҳамда ўзининг оғирлик кучи таъсирида пастга қараб ҳаракат қилиш ходисаси **кўчки** дейилади.

Республикамизнинг тоғли, тоғолди, дарё бўйлари ҳудудларида яшайдиган аҳоли ва халқ хўжалиги объектларига катта хавф туғдирадиган табиий оғатлардан бири ер кучишидир. Кўчки содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудларга Тошкент, Андижон, Фаргона, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқақарё, шунингдек, Жиззах ва Наманган вилоятларининг айrim туманлари киради. Ҳар йили республикамизда 150-250 та кўчки ҳодисаси содир бўлади. Оғирлик таъсирида тоғ жинсларининг тоғ ёнбағри бўйлаб силжиши кўчки деб силжиши аталади.

Кўчкilar тоғ ёнбағрини сув ювиши натижасида қияликнинг ошиши, шамоллар таъсирида ёки ёғинлар ва ер ости сувларидан намланиши оқибатида жинслар мустаҳкамлигининг сусайиши, сейсмик тебранишлар таъсири ҳамда жойнинг геологик шароитини ҳисобга олмай инсон томонидан олиб борилган хўжалик фаолияти таъсиридан содир бўлиши мумкин. Кўчкilarнинг 90% тоғларда, 1000-1700 м баландликда рўй беради.

Тик тушган ва жарли тоғ ёнбағирларида, дарё водийларида ва денгиз қирғоқларида асосан, шамол учиреб кетиши (нураш), ер усти ва ер ости сувлари фаолияти таъсирида тоғ жинсларининг бўшашиши ҳисобига катта массалар ва тоғ жинсларининг узилиб, ағдарилиб тушиши ўпирилиш деб аталади.

Кўчкилар халқ хўжалигига катта заар қелтиради. Шунингдек, иморат ва иншоот, йўл, ер ости коммуникацияси, тўғон, туннел ва кўприклар мустаҳкамлигининг сусайишига ёки бутунлай бузилишига сабаб бўлади.

Кўчки ҳодисаси маълум бир шароитларда содир бўлади, яъни жинс ўз жойидан силжиш учун ёнбағир усти тикроқ, жинс қатламлари қалин бўлиши, атмосфера ёғинининг мавсумий ёки йиллик микдори кўп бўлиши, сув ўтказувчан ёки ўтказмайдиган қатламлар қат-қат бўлиши лозим. Ёмғир ва қор сувлари ёнбағирликдаги соз тупроқ, қум оҳактош каби жинсларга шимилиб, уларни юмшатади ва оғирлаштиради. Сув ўтказмайдиган қатламда грунт сувлари нишаблиги бўйича пастга қараб ҳаракат қила бошлайди ва жинсларнинг табиий ёпишқоқлигини сусайтиради, натижада жинсларни ёнбағирликда ушлаб турувчи куч қиймати уни пастга силжитадиган кучга нисбатан кескин камаяди ва пастга қараб кўчиш ҳодисаси содир бўлади.

Кўчки танаси суриладиган массани ташкил қилиб, унинг устки қисмининг релефи паст- баландликдан иборат бўлади. Кўчки танасининг бош қисми ёнбағирликдаги узилиш ёриқлари билан чегараланади, унинг ҳажми асосан кўчувчан массанинг калинлигига ва тарқалган майдонига боғлиқ бўлиб, баъзан бир неча миллион куб метрни ташкил этади. Кўчки танасининг энг қуий қисми кўчки тили дейилади. Айрим ҳолларда кўчки тилининг олд қисмida сурилиш массаси, кўчки ҳодисасининг такрорланиши натижасида поғонасимон майдонлар – кўчки супалари ҳосил бўлади. Суриладиган массанинг юқори қисмida ёриқлар пайдо бўлади, у йиллар ўтиши билан кенгайиб, чукурлашиб, купайиб боради ва кўчки танаси шу ердан бошланади. Баъзи бир олимлар уни узилиш девори деб ҳам атайдилар. Унинг баландлиги бир неча метрдан бир неча ўн метргача, узунлиги юз метргача бориши мумкин. Ёнбағирликдан жинсларнинг пастга силжишидан ҳосил бўлган юза кўчки юзаси деб аталади. Кўчки юзасининг релефи асосан тўлқинсимон, ёйсимон, текис, ўнқир- чўнқир бўлади. Кўчки жараёнининг кучайишига одамларнинг фаолияти ҳам катта таъсир этади. Масалан, ёнбағирдаги ерларни ҳайдаш, дарахтларни қирқиш, окава сувларни оқизиш, водопровод ва канализация тармоқларидан сув чиқиши натижасида жинсларнинг ивиши, оғир иморат ва иншоотлар, котлованлар қурилиши ва ҳ.к.

**Күчки зонасида қуидаги ишлар
бажарилишини ман этилади:**

1. ёнбағирликни қирқиш ва текислаш;
2. иморат ва иншоотлар күриш;
3. портлатиш ишлари;
4. кон қазиши;
5. оғир юкли транспортнинг катта тезликда ҳаракат қилиши;
6. дарахтларни режасиз қирқиш;
7. ерларни суғориши;
8. оқава ва булоқ сувларини оқизиши;

Юқорида қайд қилинган чора – тадбирларнинг мустаҳкамлигини ошириш ҳамда кўчки ҳодисасини маълум бир даврга тўхтатиб туриш учун бажарилади. Актив чораларга ёнбағирликлардаги кўчкига мойил бўлган тоғ жинсларининг ҳаракатини тўхтатиш мақсадида иншоотлар қуриш тоғ жинсларининг **мустаҳкамлигини ошириш** учун **маҳсус чора тадбирлар кўриш киради.** Бундай чора-тадбирлар кўриш тўрт групга бўлинади:

1. кўчкини келтириб чикарадиган сабабларни аниқлаш ва йўқ қилиш;
2. кўчкига мойил бўлган жинсларни ушлаб турадиган иншоотлар қуриш;
3. жинсларнинг кўчишга қаршилигини кучайтириш учун уларнинг мустаҳкамлигини сунъий йўл билан ошириш;
4. кўчувчан массани ёнбағирликдан бутунлай олиб ташлаш.







КҮЧКИ

СОДИР

БҮЛГАНДА

Күчки хавфи бўлган худудларда яшовчи аҳоли нималарни билиши керак. Бу худудда яшовчи аҳолини ўз хонадони күчки остида қолиш қолмаслигини билиши керак.

Хавфли майдонларда яшаш учун иморат ҳамда, тўхтаб туриш жойларини қуриш мумкин эмас. Маҳаллий бошқарув органларининг күчки хавфи содир бўлиши ва хавфсиз жойга кўчиш ҳакидаги кўрсатмаларига эътибор беринг. Кўчки хавфи ҳакида огоҳлантириш олгандан сўнг режа асосида масъул шахслар кўрсатмаси билан харакат килинг, электр энергия, газ ва сув тармоқларини беркитинг.

Кўчки содир бўлгандан кейин яшаш жойингиздаги юқорида кўрсатилган тармоқларни яхшилаб кўздан кечиринг. мустаҳкамлигига шубҳа қилсангиз дарҳол хонадан чиқиб кетинг. катта моддий зарар етганда ёрдам сўраб маҳаллий бошқарув органларига мурожаат этинг. Кўчки хавфи

бўлган ҳудуд аҳолиси қуидагиларни билиши шарт: маҳаллий бошқарув органи томонидан қўйилган масъул шахс кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш, кўчки кўчганда, унинг оқибатларини камайтириш учун фаол катнашиш.

Кўчки содир бўлишини сезган шахс дарҳол маҳаллий органларга хабар етказиши шарт. хавфли майдонларга белгилар қўйиш, кузатув ишларини олиб бориш керак.

Кор

күчкиси.

Бу тоғ ёнбағирларида ҳаракатга келган ва сурилаётган қор массасининг ўрилишидир. Қор күчкиси доимий қор қопламига эга бўлган барча тоғли туманларда юз бериши мумкин. Қор күчкиси катта ҳажмдаги қор массаси бўлиб, у 20-30 м/с тезликда ҳаракат қиласи. У 25-30 м ўлчамдаги, 20 см қалинликдаги кичкина кўчкидан пайдо бўлиши мумкин. 150 м.куб ҳажмдаги кўчкининг оғирлиги 20 дан 30 т.гача етади.

Қор күчкисининг уч тури бўлади:

1. Янги ёқкан қордан (қор ёғиши вақтида ёки ундан кейин ҳосил бўлади).
2. Қор қоплами қатламининг бузилиши билан боғлиқ.
3. Қор кўчкилари сел оқимлари, кўчки, ўрилиш, сув тошқинларига олиб келади.

1999-йил 21-ноябр куни Тошкент-Ўш автомобил йўлининг «Қамчик» довонида қор кўчкиси содир бўлди. Соат 5:30 дан 12 ларгача 8 бор қор кўчиши такрорланиши оқибатида 34 та турли русумдаги автомобил қор уюми остида қолганлиги, 6 та машинанинг чуқурлик томон суреб туширилгани аниқланди. Қор кўчкиси натижасида 29 одам ҳалок бўлди, 400 транспорт воситаси ва 1200 дан ортиқ йўловчи қутқариб қолинди.

Кор күчкисига дуч келиб қолсанғиз қуидаги мухофаза чоралари сизга яқындан ёрдам беради: Кор күчкиси яқынлашиб қолған бўлса, аввало, горизонтал ҳолатни эгаллаб, кор юзасида қолишга ҳаракат қилинг. Тиззаларингизни қоринга тортиб, кафтларингиз билан юзингизни кор массасидан мухофаза қилишга ҳаракат қилинг. Бу ҳолат оғиз ва бурнингиз кор билан тўлиб қолмаслигига ва юзингиз олдида ҳаво бўшлиғи бўлишига ёрдам беради. Кўчки тўхтагандан сўнг юзингиз ва кўкрагингиз олдини кенгайтиришга ҳаракат қилинг. Сўнgra юқори томон қаердаю, пастки томон қаердалигини аниклаб олиш зарур. Бунинг учун сўлагингизни кўлингизга олиб уни оқизиб кўринг. Сўлак пастлик қаерда эканлигини кўрсатади ва сиз қарама-карши томонга ҳаракат қилишингиз керак бўлади.

ҚҰЧКИ

1999 йил 21 ноябрь куни Тошкент-Үш автомобиль йўлининг “Қамчиқ” довонида қор кўчкиси юз берди. Соат 5.30 дан 12.00 гача 8 бор қор кўчиши тақрорланиши оқибатида 34 та турли русумдаги транспорт воситаси қор уюми остида қолди. Ушбу фавқулодда вазият оқибатида 29 одам ҳалок бўлди, 400 транспорт воситаси ва 1200 дан ортиқ йўловчи қутқариб қолинди





СЕЛ

Катта кучга ва юқори тезликка эга бўлган селлар ўз йўлларидағи бинолар, йўллар, гидротехник ва бошқа иншоотларни вайрон қиласи, алоқа, электр узатиш тармоқларини ишдан чиқаради, боғлар, экинзорларни пайхон этади, инсон ва жонзотларнинг нобуд бўлишига сабабчи бўлади.

Селни «тог аждари» деб аташади. Сел 10 м/сония ва ундан катта тезликда ҳаракат қиласи. Битта жойнинг ўзида сел оқимларининг пайдо бўлиш сони катта эмас. Чунки сел ҳосил бўлиши учун фақатгина ёгин гарчиликнинг кўп бўлиши етарлимас. Бунинг учун яна сув оқими олиб кетиши мумкин бўлган тоғ массаси ҳам мавжуд бўлиши зарур. Тог массаси эса ўз навбатида тоғ жинсларининг ёмирилишидан ҳосил бўлади. Унинг пайдо бўлиши учун 5-6 йилдан 20-25 йилгача вақт кетади.



Сел ҳақида мълумот

Тури	Бирламчи сабаби	Тарқалиши ва юзага келиши
Ёмгирли	Жала, кучли ёмғир	Қояларнинг ювилиши ва кўчки ҳосил бўлиши натижасида юзага келади
Музли	Кор ва музларнинг кескин эрий	Баланд тоғли худудларда, бошлиши эриган музлик сувларининг уриб кетиши билан боғлик
Сейсмоген	Кучли зилзилалар	Юқори сейсмик фаол худудларда
Инсоннинг бевосита таъсири	техноген тўпланиши, қурилган туғонлар	жинсларнинг техноген сифатсиз ювилиши ва силжиши, тўғонларнинг бузилиши
Инсоннинг билвосита таъсири	Тупроқ-ўсимлик қопламигининг бузилиши	Ўрмон, ўтлоқлар бирлашган майдонларда, қоя ва ўзанларнинг ювилиши

Селга қарши курашиш учун ер юзаси дараҳт үтказиш йўли билан мустаҳкамланади, тоғ ёнбағирларидағи ўсимлик қоплами майдонлари кенгайтирилади, вақти-вақти билан тоғ ҳавзаларидағи сув оқизиб турилади, селга қарши туғонлар, дамбалар ва бошқа муҳофаза иншоотлари курилади. Самарали усуллардан бири сел оқимларини маҳсус сел туткичларда ушлаб қолишидир.

Аҳолини муҳофаза қилишни ўз вақтида ташкил этишда хабар бериш ва алоқа тизими биринчи ўринда туради. Аммо шуни ҳам назарда тутиш лозимки, бундай ҳолларда вақт жуда ўз бўлади ва аҳоли хавф тўғрисида бир неча ўн дақиқа (айрим ҳолларда 2 ва ундан ортиқ соат) олдингина огоҳлантирилиши мумкин.

Сел хавфи белгилари (гумбурлаш, сув лойқаланиши) пайдо бўлиши билан дарҳол энг зарур буюмларни олиб, олдиндан белгилаб кўйилган йўналишда хавфсиз жойларга кўчиб ўтиш лозим. Бунда юл сел ўзанлари тубидан ўтмаслигига эътибор бериш лозим. Сел оқими ўтгандан сўнг сел ўзанига тушиб бўлмайди, унинг кетидан иккинчиси келиши мумкин. Агар уй ўпирилган қиргоқ яқинида бўлса ёки унинг таги қисман ювилиб кетган бўлса бундай жойда қолиш хавфли ҳисобланади

Кучли шамол уйдалигинизда кузатилаётган бўлса, нима қилиш керак?

Биринчи навбатда, эшик, дераза, чордок ва вентилятсия люкларини яхшилаб ёпиш керак. Деразалар олдида турманг, шамол ойнани синдириб, жароҳат олишинингизга олиб келиши мумкин. Балкон ва дераза токчаларидан, ҳовлида ёки томдаги буюмларни олиб қўйинг. Олиб бўлмайдиган буюмларни маҳкамлаб қўйинг.

Електр асбобларини ўчиринг ва вилкаларини розеткадан чиқариб қўйинг, чунки шамол вақтида электр тармоқда кучланиш сакраши юз бериши, бу эса ёнфинга олиб келиши мумкин.

Уйдан чиқмасликка ҳаракат қилинг, болаларингизни уйда қаровсиз қолдирманг.

Шамол вақтида кўчада бўлсангиз нима қилиш керак?

Бирор ёпик жой топинг, бу метро стансияси, ертўлалар, туннеллар, ерости ўтиш жойлари ёки мустаҳкам бино бўлиши мумкин. Дараҳтлар, реклама шитлари ёки омонат тўсиқлар остида турманг, улар кучли шамол вақтида қулаши мумкин.

Електр узатиш линиялари ёки шакастланган бинолардан узокроқда туринг. Шифер, ойна ва бошқа буюмларнинг учайтган бўлакларидан ҳимояланинг. Бунда картон қутилари, фанер листлари, я'ни топа олган исталган мос воситалардан фойдаланинг.

Очиқ жойда қандай ҳимояланиш керак?

Бунда асосий қоида баланд, айниңса якка турған дарахт остига яширинманг. Ўра, зовур ёки жарликда беркиниб, ерга ётиб олинг. Очик жойда йўл четидаги ариклар, темир йўл кўтармалари, жарлар шамол тўзғитган чиқинди, қум ва чангдан ҳимояланишга ёрдам беради.

Агар ёнингизди мобил қурилма бўлса, уни ўчириб қўйинг.

Ҳайдовчилар нима қилишлари керак?

Иложиси бўлса, йўлга чиқманг – ёмон об-ҳавода шаҳар кўчаларида доимо тирбандликлар юзага келади ва ҳаракатланиш қийинлашади. Агар йўлда бўлсангиз, унда тезликни оширманг ва олдингиздаги машинани қувиб ўтманг – машина тезлиги қанча паст бўлса, шамол уни ҳаракатидан оғдириши шунчалик қийин бўлади. Усти очик юкларни ташиётган юк машиналарига яқинлашманг.

Дарахтлар, реклама конструкциялари ёнида турманг.

Машинанингизни йўл белгилари, кўрсаткичлари ёнига қўйманг, улар кучли шамол вақтида машинанингиз устига қулаши мумкин. Агар шамол кечаси йўлда кетаётганингизда кузатилса, унда машинани қўйиш учун хавфсиз жой танлаб, машина ичида қолган ҳолда шамол ўтиб кетишини кутинг.